

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИЛАДИГАН УМУМИЙ  
ФИЗИКА КУРСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРНИНГ  
АҲАМИЯТИ НИМАДАН ИБОРАТ?**

**А.М. Худайберганов**

*Тошкент давлат транспорт университети доценти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида ўқитиладиган умумий физика курсида ўтказиладиган дидактик ўйинларнинг аҳамияти қандай эканлиги тўғрисидаги фикрлар баён этилади. Дидақтик ўйинда иштирок этаётган талабаларнинг ижодий дунёқараашларида ушбу ўйин қандай аҳамият касб этиши ва бу ўйинларга қўйиладиган талаблар ҳақида ҳам фикрлар юритилган.

**Калит сўзлар:** дидактик ўйин, профессор-ўқитувчи, Луи де Броиль, Я.И. Перельман, педагогик ҳамкорлик.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается значение дидактических игр, проводимых в курсах общей физики, преподаваемых в высших учебных заведениях. Рассказываются о важности этих игр при развитии творческих мировоззрений студентов, участвующих в этих играх, а также о требованиях, предъявляемых к этим играм.

**Ключевые слова:** дидактическая игра, профессор-педагог, Луи де Броиль, Я.И. Перельман, педагогическое сотрудничество.

**Abstract:** This article discusses the importance of didactic games in general physics courses taught in higher educational institutions. They talk about the importance of these games in the development of creative worldviews of students participating in these games, as well as the requirements for these games.

**Key words:** didactic game, professor-teacher, Louis de Broglie, Ya.I. Perelman, pedagogical cooperation.

Университетлар, педагогика ва техника олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар ичida умумий физика ўзига хос ўрин тутади, чунки бу фан талабаларда оламнинг физик манзараси ҳақида тасаввур ҳосил қиласди. Илмий-техник прогресснинг асоси бўлган физика фани илмий билимларнинг ижтимоий мазмунини очиб бериш билан бир қаторда, уларнинг аҳлоқий қадриятларини кўрсатиб беради. Бу фанни ўрганаётган талабаларда ижодий дунёқарааш шаклланади. Ушбу омил эса ўқув жараённинг олдига қўйилган асосий мақсад ҳамда вазифасидир. Агар ўрганилаётган фанга, жумладан, физикага талабаларнинг физика бўйича билимларга қизиқишлари катта бўлса, яъни уни ўргатаётган профессор-ўқитувчи талабаларни ушбу фанга қизиқтира олса, шу қўйилган мақсад ҳамда вазифа аниқ бажарилади.

Ўқиш ва ўргатиш жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, физика дарсларида қатнашаётган талаба ушбу жараённинг актив иштирокчисига айлансин. Профессор-ўқитувчи томонидан қўйиладиган мақсад ва вазифаларни амалга оширувчи асосий шаклга айлансин. Бу қўйилган мақсадни амалга оширишнинг эса турли усуллари

мавжуд. Ана шундай усуллардан бири физика дарси вақтида талабаларнинг ўйин фаолиятларини ривожлантиришdir. Бунинг учун профессор-ўқитувчи физика дарси вақтида уларга ўтилаётган мавзуга оид бирор дидактик ўйинни таклиф қилади. Бундай ўйинлар ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ва дунёқарашини кенгайтиради талабаларнинг физика фанига бўлган қизиқишиларини орттиради.

Ўйин, билим олиш ва меҳнат инсоннинг асосий фаолият турлари ҳисобланади. Дидактик ўйиннинг ўзи талабани меҳнат қилишга ҳамда билим олишга ундейди. Бундай ўйинларни оламнинг саккизинчи мўъжизаси деб ҳисоблаш мумкин, чунки ҳар қандай дидактик ўйиннинг таркибига таълим ҳамда тарбиянинг жуда кўп элементлари кирган. Ҳар қандай дидактик ўйин жараёнида талабалар ўзлари ишлатаётган ва уларни ўраб турган буюмлар ҳамда ҳодисалар ҳақида маълумотларга эга бўладилар. Ушбу жараён эса уларни маълум билимларга эга бўлишларига олиб келади. Бундай ўйинлар ўқувчи ва талабаларнинг кузатувчанлигини ҳам орттиради. Алоҳида олинган баъзи буюмларнинг хоссаларини англашга олиб келади. Уларнинг баъзи белгиларини яққол ажратиб беришни шакллантиради. Бу ўйинлар асосан талабанинг онгини ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Таникли француз олимни Луи де Бройлнинг фикрига кўра, ҳар қандай дидактик ўйинни ташкил қилиш ва уни ўтказиш олимнинг кўп йиллик меҳнатига ўхшаб кетади. Талабани дидактик ўйиннинг бошида ушбу ўйинда қўйилган масала, кейин эса у енгиб ўтиши керак бўлган қийинчилик, сўнгра ўз олдидаги тўсиқни енгиб ўтиш ва натижага эришиш хурсандчилиги ўзига тортади. Шу сабабли барча инсонларни уларнинг ёшларидан қатъий назар ана шундай дидактик ўйинлар тортади.

Я.И. Перельман ёзганидек, физика дарсларида қўлланиладиган ихтиёрий дидактик ўйин, фақат физика фани дўстлари учун эмас, балки унинг душманлари учун ҳам катта аҳамият касб этади. Физика дарслари вақтида қўлланилган ўқитишининг ҳар қандай усули ёки ҳар қандай дидактик ўйин ушбу дарснинг асосий ўқув мақсади ва муаммолини ҳал қилишга ёрдам бериши зарур. Масалан, маъруза дарсларида олинган билимларни мустаҳкамлаш, физикадан масалалар ечиш йўлларини яхши ўзлаштириш ва ҳоказолар учун бундай ўқитиши усуллари ва дидактик ўйинлар керак. Агар физика дарсларида ўтказилиши режалаштирилаётган дидактик ўйин юқорида келтириб ўтилган вазифани бажарса, бу ўйин ушбу дарснинг ўргатувчи элементига айланади. Аммо физика дарсининг билим элементи ҳамда унда қўлланилиши режалаштирилаётган дидактик ўйиннинг уйғунлиги, бундай ўйинни тузишда маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган физика дарсларида талабанинг диққати аввал одатда шу дарсда ўтказилаётган дидактик ўйинга йўналтирилади. Сўнгра дидактик ўйинни ўтказиш жараёнида сезиларсиз равишда бу диққат дидактик ўйин бағишлиган мавзуни ўрганишга қаратилади. Қизиқарли машғулот сифатида қаралаётган дидактик ўйинга бўлган қизиқиши аста-секин дидактик ўйин бағишлиган мавзуни ўрганишга ўтиб боради.

Шуни таъкидлаш зарурки, дидактик ўйинларнинг таълимий аҳамиятини бўрттириб кўрсатиш керак эмас. Сабаби улар аниқ ва систематик билимларнинг манбаи бўла олмайди. Профессор-ўқитувчи замонавий физиканинг ривожланиш даражасида билимларни бериши ҳамда талабаларни мустақил билим олишга ўргатиши зарур. Мана шундай ҳолларда дидактик ўйинларни физика дарсларида қўллаш катта самара бериши мумкин.

Ўқув жараёнидаги дидактик ўйинларни ташкил қилишда педагогик фан уларга нисбатан маълум талабларни қўяди. Ана шу талаблардан баъзиларини қўйида келтириб ўтамиш.

1) Физика дарсларида ўтказилиши режалаштирилаётган дидактик ўйин талабаларнинг эркин ижоди ва ташаббусига асосланган бўлиши керак. Бу ушбу дидактик ўйин иштирокчилари(талабалар)нинг ҳеч қандай вазифа ва мажбуриятлари йўқ деган маънони англатмайди. Тажриба шуни кўрсатадики, талабалар шу вазифа ва мажбуриятларга ўқув ёки меҳнат фаолиятидаги вазифа ва мажбуриятларга нисбатан катта жавобгарлик билан ёндошадилар.

2) Физика дарсларида ўтказиладиган дидактик ўйин талабаларда фақат ижобий ҳис-туйғуларни уйготиши лозим. Талабаларда дидактик ўйиндаги тўғри жавоблардан қувноқ кайфият ва қониқиши юзага келиши зарур. Шунинг учун дидактик ўйинлар етарлича қулай ва жозибали бўлиши керак. Дидактик ўйиннинг мақсадига эришиладиган, ўйиннинг дизайнни эса турлича ва ранг-баранг бўлиши лозим.

3) Физика дарсларида ўтказиладиган дидактик ўйинда албатта талабалардан тузилган жамоалар ёки алоҳида шу ўйиннинг иштирокчилари бўлиши ва улар бир-бiri билан мусобақалashiши керак. Ушбу шарт талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилишни сезиларли равишда оширади. Уларни белгиланган коидаларга аниқ риоя қилишга кўникитиради ва энг муҳими, талабаларнинг фаолиятини яхшигина фаоллаштиради. Дидактик ўйинда ғалаба қозониш ёки бирон-бир ютуқ ютиш, талабаларни янада қўшимча ҳаракатлар қилишга чорлайди.

Физика фанини яхши ўзлаштирувчи талабалар ҳар доим ҳам бундай дидактик ўйинларнинг ғолиби бўлавермайди. Физика дарсларини мунтазам равишда тайёрлаш фазилатига эга бўлмаган талабалар кўпинча бундай ўйинларда жуда кўп сабр ва қатъиятни намоён этадилар.

4) Физика дарсларида ўтказиладиган дидактик ўйинлар ўйинларнинг асосини ташкил қилувчи мавзунинг мазмунини ва ўзига хос хусусиятларини ҳамда уни тушунтиришда қўлланиладиган олий математика элементларини ҳисобга олиши зарур. Дидактик ўйин мавзуси ва мазмuni олий ўқув юрти ва унда таълим олувчи талабаларнинг танлаб олган мутахассисликлари бўйича йўналишларини, шунингдек, шу йўналишлардаги умумий физиканинг мазмунини ва у бўйича ўтиладиган соатлар ҳажмини албатта ҳисобга олиши керак. Ушбу омиллар ҳисобга олинмаса, умумий физика бўйича дарслар талабаларнинг кўнгил очар машғулотларига айланиб колиши мумкин.

Дидактик ўйинларни ташкил қилишда гуруҳда дарс берадиган профессор-ўқитувчининг роли каттадир. Агар педагогик ҳамкорлик мавжуд бўлса, дарсда ўтказилган дидактик ўйиннинг эффективлиги энг катта бўлади. Одатда дидактик ўйинларнинг ғояси мавзуга қараб профессор-ўқитувчи томонидан берилади, аммо ана шундай ўйинлар конкурсини ўтказиш мумкин. Имкон қадар гуруҳнинг барча талабаларини дарсда ўтказиладиган дидактик ўйинга жалб қилиш лозим. Бунинг сабаби шундан иборатки, дидактик ўйин сценарияси тайёрланаётган вақтда ушбу талабалар жуда катта миқдордаги фойдали ишни бажарадилар. Чунки бундай дидактик ўйин, уни ўтказувчиларидан танлаб олинган мавзу бўйича яхши тайёргарликни, шунингдек, дидактик ўйин мазмунини танлашда эса етарлича интилишларни ҳам талаб қиласди. шу сабабли ушбу меҳнат профессор-ўқитувчи томонидан баҳоланиши зарур.

Ҳар бир ўйлаб топилган дидактик ўйинни амалда текшириб кўриш лозим. Бунда профессор-ўқитувчи асосий авторитет, яъни фигурага айланади. Ўйин давомида юзага келадиган талабаларнинг эса баҳсида ҳакам вазифасини бажаради. Шунингдек, у ушбу ўйиннинг актив иштирокчисига ҳам айланиши мумкин. Лекин профессор-ўқитувчи талабаларга ўзининг фикрини ўтказиши ҳамда талабаларнинг ўйин юзасидан берадиган ғоя фикрларини инкор қилиши керак эмас.

Профессор-ўқитувчининг дидактик ўйинга бош бўлиши ва уни бошқариши талабаларнинг мустақиллигига ҳамда ташаббусига ҳалақит бермаслиги зарур. Агар профессор-ўқитувчи талабаларнинг мустақиллигига ҳамда ташаббусига ҳалақит берса, талабанинг ўз талантини намоён қилиши мумкин бўлган дидактик ўйиннинг мазмuni йўқолади. Профессор-ўқитувчи қандайдир вақт давомида ўйинни бошқариш вазифасини ўзлаштириши юқори бўлган талабага топшириши мумкин.

Исталган дидактик ўйин учун унинг барча талабларига тўлиқ жавоб берадиган ўқув материалларини тайёрлаш анчагина мураккаб бўлган масала ҳисобланади. Чунки ушбу материаллар талабаларни бутун ўйин давомида қизиқтириши зарур. Шу сабабли ихтиёрий дидактик ўйин мазмуни ҳамда ўтказилиши шакли жиҳатидан турлича бўлиши лозим.

Агар профессор-ўқитувчи дидактик ўйин давомида унда иштирок этаётган талабаларнинг актив иштирокини таъминлай олмаса, ушбу ўйинни ўтказишида олдига қўйган мақсадга эриша олмайди. Ўйинга ажратилган вақт, яъни дарс вақти бекорга кетади. Шундай дидактик ўйинлар мавжудки, уларнинг мазмунини ўзиёқ талабаларни қизиқтиради. Шундай ўйинларга асосан сюжетли ҳамда саёҳат шаклидаги ўйинлар киради.

Стол атрофида ташкил қилинадиган дидактик ўйин мазмуни талабаларни унчали қизиқтираслиги мумкин. Бунинг сабаби шундан иборатки, бундай ўйинда профессор-ўқитувчи барча талабаларни битта стол атрофига ўтказа олмайди. Натижада ҳар бир талаба ўзига берилган карточканигина кўриши мумкин. Ўйиннинг колектив характери йўқолади. Талаба бошқа ўртоқларининг ўйинини кузата олмайди, шунинг учун талаба улар берадиган жавобларнинг маъносини тушуна

олмайди, ушбу жавобларни тўлдира олмайди ёки тузата олмайди. Шу сабабли унинг бу ўйинга бўлган қизиқиши йўқолади. Шунинг учун профессор-ўқитувчи бундай ўйинлардан фойдаланганда талабаларни активлаштириш йўлларини ўйлаб топиши керак. Дидактик ўйин вақтида шундай ҳолат юзага келиши мумкинки, унда талабалар бир-бири билан фикр алмашиши, маслаҳатлашиши, баҳслашиши, бир-бирига ёрдам бериши ва бир-бирини баҳолаши мумкин. Мана шундай мулоқот жараёнида талабалар дидактик ўйин мавзусини яхши ўрганадилар. Шу билан биргаликда ўйин давомида ва мавзуни тушунтиришда учрайдиган хато ва камчиликларни тўғрилайдилар. Бу эса бутун гуруҳ талабаларини бир хил темпда ишлашга, яъни билим даражаси паст бўлган талабаларни кўпроқ ўйинга жалб қилишга, билим даражаси юқори бўлган талабаларни эса ўйинда кўп ушлаб турмасликка олиб келади.

Шундай қилиб, олий таълим муассасаларидағи физика дарсларида профессор-ўқитувчи томонидан ўтказиладиган дидактик ўйинлар талабаларга улар бажариши мумкин бўлган топшириқларни бериб, дарсда бажариладиган ишларни индивидуаллаштиришга ва талабаларнинг билим фаоллигини оширишга имкон беради, дейиш мумкин. Бундан ташқари, профессор-ўқитувчи томонидан ўтказиладиган дидактик ўйинлар талабаларда кузатишни ривожлантиришга, таниш нарсаларда ғайри-оддийликни кўриш қобилиятини пайдо бўлишига, ҳаётда учрайдиган ҳодисалар ҳақида ўзларига савол беришга ёрдам беради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. А.В. Хуторской. Дидактика. Питер. Санкт Петербург. 2017.
2. В.А. Ситаров. Дидактика. Москва. ACADEMA. 2004.
3. И.В. Юкина. Дидактика, Феникс. Ростов. 2004.
4. И.Я. Лerner. Дидактические основы методов обучения. Москва. Педагогика. 1981.
5. И.П. Подласый. Педагогика. Москва. Владос. 2000.